

## Маҳаллаларда Хизмат Соҳасини Ривожлантиришнинг Ўзига Хос Хусусиятлари

*Мансурова Арофатхон Шавкат қизи<sup>1</sup>*

**Мавзуунинг долзарблиги.** Ўзбекистонда хозирда ва келажакда хизматлар соҳасини ривожлантириш устувор мақсадлар қаторига киритилган бўлиб иқтисодий ўсишни муҳим омил, бандликни ва даромадларни ошишини таъминлашдаги аҳамияти юқори эканлиги билан ажralиб туради.

“Ўзбекистон -2030” стратегиясининг 58 мақсадига мувофиқ “худудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг ҳажмини 3,0 баробар ошириш кўзда тутилган”<sup>2</sup>. Худудлар тизимида ўзига хос ўринга эга маҳаллаларда хизматларни аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда барқарор ривожлантиришга эришиш жуда долзарб бўлиб қолмоқда.

Юқорида қайд этилган стратегининг 74 мақсадида маҳаллаларда 100 дан ортиқ давлат хизматларини ривожлантириш белгилаб қўйилган.

Хизматлар соҳасининг аҳамияти ва долзарблиги қўйидагиларда намоён бўлади:

- кўп маблағ талаб қилмаган ҳолда иқтисодий ўсишни таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиш;
- тез ўзгарувчан истеъмол талабига тезда мослашуви;
- бандликни ностандар шаклларидан (касаначилик, мавсумга мослашуви, ўзгарувчан иш графиги) фойдаланган ҳода аҳоли турли ижтимоий қатламларини (аёллар, ёшлар, қариялар, камбағал оилалар) меҳнат фаолиятига жалб қилиш орқали ишсизликни камайтириш;
- аҳоли кам таъминланган қатламларига арzon ва бепул хизмат кўрсатиш орқали ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва бошқалар.

Аҳоли бевосита маҳаллаларда яшашини эътиборга олган ҳолда уларни хар кунлик хизматларга бўлган талабини жойнинг ўзида қондириш жуда катта ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга.

**Тадқиқот методологияси.** Хозирда маҳалла кесимида хизматлар соҳасини ривожлантириш даражаси, мавжуд муаммолар, қўшимча имкониятларни чуқур таҳлил қилиш учун расмий статистик маълумотлар чекланган. Маҳаллада хизматларни ўрганишнинг асосий ва ягона инструменти сифатида бевосита жойларда маҳсус социологик сўровнома ўtkазиш лозим бўлиб қолмоқда.

Муаллиф томонидан нуфузли халқаро ташкилотлар жумладан, БМТ томонидан ишлаб чиқилган кўрсатмалар асосида уй-хўжалигида хизматлар соҳасига бўлган талабни қондирилиш даражаси ва бевосита маҳалладаги имкониятларни аниқлаш бўйича сўровнома тайёрланиб сўровнома Тошкент шаҳри мисолида амалга оширилди.(2023 йил август-сентябрь ойларида)

**Тадқиқот обьекти** сифатида Бектемир, Мирабод, Олмозор, Чилонзор, Учтепа, Юнусобод туманларидаги маҳаллалар танлаб олинган. Умумий маҳаллалар сони 48 тани ташкил этиб, саволлар асосан маҳалла раҳбариятига берилган. Саволларга жавоб асосан учта йўналиш бўйича олинган. Булар маҳалладаги хизматлар соҳасининг ривожланганлик ҳолатини, мавжуд муаммолар ва камчиликларни, аҳолини хизматларга бўлган талабини қондириш бўйича маҳалладаги имкониятларни аниқлашга қратилган.

<sup>1</sup> Макроиктисодий ва худудий тадқиқотлар институти, Таянч докторантни

<sup>2</sup> “Ўзбекистон-2030 стратегияси” тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2023й. сентябрь №ПФ-158



## Тадқиқот натижалари.

Сўровномага кўра маҳаллалар худудида асосан озиқ-овқфт магазинлари (100% -жавоб), сартарошхона (86,7%), кичкина кафе ва сомсаҳоналар (70,0%), дорихоналар (66,7%), нон ёпиш цехлари (55,3%), стоматологик шахобчалар (50,0%), хўжалик магазинлари (46,7%), кичкина сабзавотлар ва мевалар дўконлари (46,5%), поликлиника (26,6%) (1- расм).



**1-расм. Махаллалар худудида мавжуд хизмат турлари (сўровнома натижалари).**

Маҳаллалардаги мавжуд хизматлардан фойдаланиш бўйича қуидаги жавоблар олинган: ҳар куни (86,7%), ҳар хафтада бир-икки марта (10,0%), фойдаланилмайди (3,3%).

Экспертларнинг берган баҳоларига кўра маҳаллалардаги хизматларни ривожланиш даражаси нисбатан юқори (10,0%), ўртacha (83,3%) ва паст (6,75). Хизматларни ривожланиш даражасига асосан ижобий баҳоланиши билан бир қаторда, маълум муаммолар ва камчиликлар қайд этилган (2 расм).



**2-расм. Махалларда хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги асосий муаммо ва тўсиқлар (сўровнома натижалари).**

Сўровнома натижаларига кўра асосий муаммолар қаторига керакли молиявий маблағларнинг этишмаслиги (10,0%), қурилиш учун маҳсус рухсатнома олишдаги тўсиқлар йўқлигидан (10,5%) иборат. Шунингдек, кадастр хужжатларини тайёрлашдаги қийинчиликлар (6,7%) кўрсатилган. Айрим маҳалла раҳбарларига хизматларни ташкил этишда тадбиркорларга маълум имтиёзлар бериш кераклиги ҳам айтиб ўтилган.




Ушбу ўринда маҳаллалардаги раҳбарларни ўзи ҳам (30,0% дан кўп) ҳозирда хизмат турлари бўйича мавжуд имтиёзлар борлигини билмасликларини айтиб ўтиш лозим. Маҳалла раҳбарлари ва тадбиркорларнинг мавжуд имтиёзлар бўйича маълумотларини деярли йўқлигига салбий ҳолат сифатида қараш керак.

Маҳаллаларда хоким ёрдамчиси фаолиятини ташкил этилиши, фаолларнинг бевосита иштирокида хизматлар турларини жойлаштириш ва ривожлантиришда маълум ижобий ўзгаришлар кузатилган. Лекин шу билан бирга маҳалла раҳбариининг хизматларни ривожлантириш бўйича муаммоларни ҳал қилишга қаратилган таклифлари тўла инобатга олинмаган. Олинган жавобларга кўра мавжуд муаммолар 30,8% тўла ҳал бўлганлиги, 34,8% маълум даражада ва 30,8% ҳал бўлмаганлигини таъкидланган.

Жойларда бевосита маҳалла аҳолисининг таклифи ва мурожаати асосида тандирхона, озиқовқат магазини, тикув цехи, сабзавот ва мева сотиш шахобчasi сартарошхона, китоб магазини, оёқ кийимларни таъмирлаш устахонаси ва бошқа хизмат турлари ташкил этилган.

Маҳаллада аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда хизмат турларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд эканлигини сўровнома натижалари кўрсатди. Бунинг учун қандай имтиёзлар ва қўллаб-қувватлаш механизмларидан фойдаланиш тўғрисида аниқ таклифлар берилган (3-расм).



**3-расм. Маҳаллаларда хизматларни ривожлантириш(сўровнома асосида).**

Хизматларни ташкил қилишда асосий эътибор оилавий тадбиркорликни 5 йилгача барча солиқлардан озод қилиш (55,0%), хизмат кўрсатиш маркази бўлган маҳалла гузарини ташкил этишга кўмаклашиш (53,3%), маҳалла раҳбариини томонидан имтиёзли кредитлар олишда уларни гаров сифатида иштирок этиши (43,3%), маҳаллалардаги ишсиз ёшлар ва аёлларни керакли мутахассисликларга ўқитишиш (13,0%), ноль баҳода ишлатилмаётган иншоатларни сотиб олишга кўмаклашиш (10,0%), давлат ва хусусий тадбиркорлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш (6,0%), маҳалладаги талабдан келиб чиқиб турли тўгаракларни, жумладан, спорт ва физкультура, техника ва рақамли иқтисодиёт, майший хизматларни ташкил этишга кўмаклашиш (4,0%).

Шуни таъкидлаш лозимки маҳаллалардаги имкониятлар турли даражада бўлиб, уларни хизмат турларини жойлаштиришда эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Масалан, олинган жавобларга кўра маҳаллалардаги қурилиш учун бўш ётган ерлар 23,3%, фойдаланилмаётган иншоатлар 13,3%, бўш майдон ва иншоатларни йўқлигини 23,3% респондентлар кўрсатиб ўтганлар. Аҳоли

асосан бевосита маҳаллада озиқ-овқат ва мева-сабзавот, нонвойхона, дорихона, тикув ва уйхўжалиги анжомларини таъмиглаш, стоматология, бирламчи медицина, сартарошхона, газета ва китоблар сотиш, банк хизматлари турли тўгараклар бўйича шахобчаларга эҳтиёж катта эканлигини таъкидлаган.

**Хуноса.** Тошкент шаҳри маҳаллаларида хизматларни ривожланиш бўйича ўтказилган сўровнома қўйидагиларни кўрсатди:

- маҳаллаларда асосий хизмат кўрсатиш турлари – озиқ-овқат магазинлари, нонвойхона, сомсахона ва бошқа кичик овқатланиш шахобчалари, майший хизматлар (сартарошхона, дорихона, сабзавот ва мевалар, таъмилаш шахобчалари) дан иборат;
- маҳаллалар раҳбарияти баҳоларига кўра аҳолига хизматлар кўрсатиш талаб даражасида эмас;
- нисбатан маҳалла гузари бўлган жойларда хизматлар яхши ривожланган;
- аҳоли талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларда тўгараклар, бирламчи медицина ёрдами, тезкор коммунал хизматлар, миллий хунармандчилик ва бошқа хизматлар турларини ташкил этиш имконияти ва салоҳият мавжуд.
- маҳаллаларда хизматларни ташкил этишдаги асосий муаммолар моддий ва молиявий маблағларнинг етишмаслиги, маҳалла гузарининг йўқлиги, рухсат олишнинг қийинлиги, бўш ер ва фойдаланилмаётган иншоатларнинг чекланганилиги, мавжуд имтиёзлардан тўла фойдаланмаслик, спонсор тадбиркорларнинг етишмаслиги ва бошқалардан иборат.

**Таклиф ва тавсиялар.** Мавжуд ҳолат, фойдаланилмаётган имконият ва салоҳият, хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларда хизматларни барқарор ривожлантириш мақсадида:

- шаҳардаги маҳаллалар кесимида ҳар йиллик хизматларни комплекс ривожлантиришнинг мақсадли дастури, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- инвестицион лойиҳаларни ва ташаббусларни молиялаштиришнинг аниқ омилларини аниқлаш. Бунда маҳалла фонди, аҳоли ва тадбиркорлар маблағлари, имтиёзли банк кредитлари, давлат ва хусусий ташкилотлар ҳамкорлиги асосида шаклланишдаги маблағлар, ҳалқаро грантлардан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш;
- маҳаллаларда хизматларни ташкил қилувчи тадбиркорларга берилаётган имтиёзларни самарадорлигини шакллантириш (5 йил барча соликлардан озод этиш, маҳаллани кредит олишда асосий гаровчи бўлиши, норасмий секторни легаллаштириш);
- хизмат кўрсатишни ташкил этишда ўз уйидан фойдаланувчилар учун янада қулай солик, кредит ва коммунал тўловлар механизмини шакллантириш;
- бевосита маҳаллада хизматларни ташкил этишни хохловчи ёшлар ва аёллар учун маҳсус мутахассисликлар тайёрлаш ўқув курслари ва тренингларни амалга ошириш.

### Фойдаланилган адабиётлар.

1. “Ўзбекистон-2030 стратегияси” тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2023й. 11 сентябрь №ПФ-158
2. Методические рекомендации комплексного развития сферы услуг. Минск. 2018. НИИЭ. 42стр.
3. Назаров Ш.Х. Ҳудудларни ривожлантириш стратегияси. Ташкент. 2017г. 144б.
4. Имомов Б. ва бошқалар. Туман ва шаҳар салоҳиятини баҳолаш, ижтимоий иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва режалаштириш усууллари. Тошкент. 2019. 216б.
5. Абдуллаев Б. Ва бошқалар. Аҳолининг яшил товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжи. Тошкент. Ж.Иқтисодиёт: таҳлилар ва прогнозлар. 4. 2022й. 5056 бб.

